



## ШХТнинг Самарқанд саммити тарихий бўлади

29 июль куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Юқори даражадаги анжуманда ташкилот Бош котиби Чжан Мин, аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, Миллий координаторлар ва халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг ташкилотга раислик доирасидаги алоҳида фаоллигини яқдил эътироф этишди. Хусусан, ҳозиргача амалга оширилган самарали ишлар, муҳим соҳа ва йўналишларни тараққий эттиришга қаратилган ташаббуслар қайд этилди. Самарқандда ўтадиган асосий воқеа – Президентлар саммити хусусида фикр билдирилди.



**Қозғоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди:**

– Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислигини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигимизни маълум қиламан. Ишончим комилки, бугунги учрашув бўлажак Самарқанд саммитини мазмунан бойитишга хизмат қилади.

**Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманиям Жайанкар:**

– Ҳиндистон Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги мислсиз сазой-ҳаракатини олқишлаган ҳолда, мамлакатнинг фаол ва долзарб ташаббусларига доимо хайрихоҳлигимизни изҳор этамиз. ШХТнинг Самарқанд саммити муваффақиятли ўтишига ҳам ҳеч қандай шубҳа йўқ.

**Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И:**

– Ўзбекистон томони ШХТга раислик даврида тузилма ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Биргаликда режалаштирилган улкан ишларни амалга оширишга яқиндан кўмаклашмоқда.

**Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Қўлубаев:**

– Қирғизистон томони халқаро майдондаги, қолаверса, минтақавий воқелик, мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида белгиланган устувор вазифаларни қизгин маъқуллайдди.

**Покистон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазири Билалов Бхутто Зардорий:**

– Покистон Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш бўйича ҳамкорлик концепциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

**Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров:**

– ШХТга раислик доирасида илм-фан ва техника, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўтказилган кўплаб тадбирларни юқори баҳолаймиз. Ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси туризм соҳасидаги ҳуқуқматлараро битим ва музей иши бўйича меморандум билан тўлдирилди.

**Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сироҷиддин Мухриддин:**

– Биз Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишбилармон доира вакиллари ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш режасини ишлаб чиқиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилиниши режалаштирилганини олқишлаймиз.

ЎЗА

# АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири вазифини бажарувчи Амирхон Муттақий бошчилигидаги делегация 29 июль куни Самарқандга ташриф бурди.

Меҳмонларни Самарқанд темир йўл вокзалида вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов кутиб олди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаил Иргашев ҳамроҳлигида Самарқанддаги муқаддас қадимжон ва тарихий обидаларни зиёрат қилди.

Жумладан, айна пайтда янгидан бунёд этилаётган Имом Бухорий мажмуасига ташриф чоғида буюк муҳаддис ҳақиқа Куръон тиловат қилинди. Меҳмонларга мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Ун минг кишилик янги масжид, мажмуада зиёратчилар учун яратилган шароитлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Амирхон Муттақий Ўрта Осиёдаги илк масжид деб қараладиган Ҳазрати Хизр масжиди, шунингдек, Хўжа Дониёр ва Амир Темур мақбараларини зиёрат қилди. Мирзо Улуғбек музей-мажмуасида улуғ аждодларимиз ақл-заковати маҳсули бўлган тарихий ашёлар ва расадхонани томоша қилди.

А.ИСРОИЛОВ.

## КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО

➔ Кўшни вилоятлар “Зарафшон” нигоҳида



Бухоро ҳақида гап кетганда, аввало, қадимдан илм-маърифат ривожланган, буюк алломаларга бешик бўлган замин кўз олдимизга келади. Ўрта асрлардаёқ тараққийнинг юксак чўққисига чиққан бу замин алломаларнинг илми билан яратилган асарлар бугун ҳам бутун дунё олимларининг асосий қўлланмаси сифатида ардоқланади. Қурган биноларини кўриш учун сайёрамизнинг турли нуқталаридан келган сайёҳларнинг ҳайратини оширади. Вилоятга икки кунлик сафаримиз давомида бу заминга “Қуббат-ул ислом”, “Бухоройи шариф”, “Ислон пойтахти” каби таърифлар бежиз берилмаганига амин бўлдик.

Расман 1938 йил 15 январда ташкил этилган Бухоро ҳудуди жиҳатидан Ўзбекистоннинг Навойи вилоятидан кейинги иккинчи энг йирик вилояти ҳисобланади. Вилоят ҳудуди асосан Қизилқум чўлида жойлашган, жануби-шарқини Зарафшон водийси эгаллаган. Шимоли-ғарбда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, шимол ва шарқдан Навойи вилояти, жануби-шарқда Қашқадарё вилояти, жануби-ғарбда Туркменистон билан чегарадош. Майдони 39,4 минг километр квадрат бўлган вилоят аҳолиси қарийб 2 миллион кишини ташкил этади. Бухоро вилояти Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қорақўл, Ғиждувон туманлари, (Бухоро, Галаосиё, Вобкент, Газли, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл, Қоровулбозор, Ғиждувон шаҳарлари), 540 та маҳалла фуқаролар йиғинидан иборат.

Бухорода 30 га яқин миллат вакиллари яшайди, 11 та миллий маданий марказ фаолият юритади.

**ЯҲМ ҳажми аҳоли жон бошига нисбатан 19,7 миллион сўм**

Вилоятда Бухоро, Ғиждувон, Қорақўл, Вобкент шаҳарларидаги корхоналар Германия технологияси асосида жиҳозланган, “Бухоротекс” акциядорлик жамиятининг филиаллари Ғиждувон, Вобкент, Қорақўл ва Олот туманларида ташкил этилган. Бухоро пиллачилик фабрикаси ва унинг филиалларида хомашё қайта ишланади. Вилоятда трикотаж кийимлар фабрикаси, тикувчилик фабрикаси, Бухоро ва Ғиждувон пойабзал корхонаси, Шофирконда Туркия билан ҳамкорликда “Варданзи” тикувчилик қўшма корхонаси, “Қорақўл” акциядорлик

жамияти қошида Греция билан ҳамкорликда “Омега-Ситора” қўшма корхонаси ишга туширилган. Маҳаллий саноат корхоналаридан “Зардўз” акциядорлик жамияти, Ғиждувон кулолчилик цехи, Ғиждувон ва Шофирконда гилам тўқиш фабрикалари, Когон пахта титиш фабрикаси, тикувчилик, бадиий каштачилик, мисгарлик, заргарлик, косибчилик ва бошқа корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Бухоро уйдозлик комбинати, Когон оҳак заводи, Куйимзор ва Когон йиғма темирбетон буюмлари заводи, Италия билан ҳамкорликда қурилган кошинлар ишлаб чиқариладиган “Минокор” заводи, Бухоро темир-бетон заводи, газавтоматика ишлаб чиқариш бишлашмасида қурилиш материаллари тайёрланади.

(Давоми 2-саҳифада) ➔➔

Аввал хабар қилганимиздек, вилоятимизда ўтказилаётган “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашайлик!” шиори остидаги тарғибот тадбирлари Булунғур, Нуробод, Пахтачи ва Самарқанд туманларида давом этди.

## ФАРЗАНДАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Булунғур тумани Амир Темур маҳалласида ташкил этилган тадбирда Дин ишлари бўйича қўшма масъул ходимлари мавзу юзасидан маъруза қилди.

– Фарзандимизнинг биргина хатоси жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири Гулсара Ҳақбердиева. – Бугунги маънавий-маърифий тадбирдан биз, ота-оналар хулоса чиқаришимиз керак.

Маърузачилар хато қўйилган биринчи қадам иккинчисига, иккинчисига эса кейинчисига етаклашни мисоллар билан гапириб берди. Бу хатоларнинг аянчли оқибатлари акс этган ҳужжатли фильмлар юракни жунбушга келтиради. Буни ҳар бир ота-она, маҳалла ва мактаб жамоаси чўқур англаб етса, салбий оқибатларнинг олди олинган бўлади.

Ҳикматилло ТОҲИРОВ.

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президентимизнинг 2022 йил 29 июлдаги “Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ фаолларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз ордан ва медаллар билан мукофотланди.

Тақдирланганлар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**“ДЎСТЛИК” ордени билан**  
Ли Хиангун - Самарқанд шаҳридаги “Azia Metall Prof” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

**II даражали**  
“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ордени билан  
Асланова Елена Юрьевна - Самарқанд вилояти гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг катта мураббийси.

Тўлқин СИДИҚОВ.

## Муҳаммад Алининг вилоятимизга муҳаббати бошқача



Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан ижодий учрашув ўтказилди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимовнинг адибнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан йўллаган табригини ҳоким ўринбосари Рустам Қобилов ўқиб эшиттирди ва ҳокимликнинг эсдалик совғаларини топширди.

– Ёзувчи, шоир, таржимон ва олим Муҳаммад Али Андижонда туғилиб, айна пайтда пойтахтда яшаётган бўлса-да, самарқандликлар билан қалбдан бирга, – дейди шоира Хосият Бобомуродова. – Унинг Самарқандга муҳаббати бошқача. Адибнинг “Сарбадорлар” ва “Улуғ салтанат” тарихий романлари ва бошқа бир қатор асарлари бу

сўзларимни исботлайди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Али таваллудининг 80 йиллиги айнан Самарқандда кенг нишонланяпти.

Учрашувда ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Унинг қаламига мансуб шеърлар ўқилди.

Шунингдек, Самарқанд горнизоли маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али иштирокида ҳарбийлар билан ижодий учрашув ўтказилди.

Тўлқин СИДИҚОВ.

# КЎҶНА ВА БОҶИЙ БУЖОРО

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

## Бухоро вилояти Санта-Фе (АҚШ) ва Нижний Новгород (Россия) шаҳарлари билан биродарлашган.

Вилоятда 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 38,7 триллион сўмни, аҳоли жон бошига 19,7 миллион сўмни, 2022 йилнинг I чорагида эса ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 триллион сўмни, аҳоли жон бошига 3,5 миллион сўмни ташкил этган.

2021 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 106,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 100,1 фоизни, хизмат кўрсатиш 119,4 фоизни, чакана савдо 107,6 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 103,7 фоизни, пудрат ишлари 111,4 фоизни ташкил қилиб, барча йўналишларда ўсиш таъминланди, - дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Нозимжон Холмуродов. - 2021 йилда инвестиция дастурлари доирасида вилоятда умумий қиймати 6,2 триллион сўмлик 1381 та ҳудудий ҳамда 186,5 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 18 та йирик лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туширилди. Ишга туширилган лойиҳалар ҳисобига вилоятда 10 минг 708 та янги иш ўрни яратилиб, 110 миллиард сўмлик қўшимча солиқ базаси яратилди.



Биргина Бухоро туманидаги "Акса Enerji Bukhara" МЧЖ хорижий корхонаси негизда 140 миллион долларга тенг бўлган, қуввати 270 МВтлик газ-поршенли иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси ҳисобига 100 та иш ўрни яратилди ва 500 га яқин ишлаб чиқариш корхонаси узлуксиз электр энергияси билан таъминланди. Фақат бу эмас, вилоятда саноат тармоқларини янада ривожлантириш учун етарли салоҳият ва имконият мавжуд. 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 4874 тани ташкил этади ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,3 фоизга ошди. Саноатни ривожлантириш бўйича жорий йилда вилоятда 2,9 триллион сўмлик 213 та лойиҳа ишга туширилиб, 3631 та янги иш ўрни яратилди.

Хусусан, жорий йилда Ёшлар тўғрисидаги қўшимча «Хўжайн Жаҳон Файз барака» МЧЖ томонидан қиймати 462,8 миллиард сўмлик, йилига 10 минг метр темир профил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган лойиҳа ишга туширилди. Яна жорий йил вилоятда қиймати 2 триллион 804 миллиард сўм бўлган 189 та саноат лойиҳасини ишга тушириш орқали 7794 та янги иш ўрни яратилди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 триллион сўмга етказилди.

Вилоятда импорт ўрнини босувчи 200 турдан ортиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилган, 20 турдан ортиғи хорижий давлатларга экспорт қилинади. Жумладан, тўқимачилик ва текстиль, қурилиш материаллари, кимё ва нефткимё, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, электротехника, қишлоқ хўжалиги озуқалари етиштириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилган.

Вилоят саноат ишлаб чиқарилишини ривожлантириш мақсадида мавжуд 28 та кичик саноат зонасидаги 42,1 гектар майдонда жойлаштирилган 165 та лойиҳадан 88 таси ишга туширилди. Ушбу махсус зоналарда 80,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, 688 та янги иш ўрни яратилди. Ҳудудий дастур доирасида 2021 йилда 1752,4 миллиард сўмлик 385 та саноат лойиҳалари ишга туширилди ва 4164 та янги иш ўрни ташкил этилди.

**Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1068,9 миллион долларни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 30,8 фоизга ошган.**

## ЙИЛ ЯКУНИГАЧА 270 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ



Рақамларга қарайдиган бўлсак, 2022 йил якунига қадар 270 миллион долларлик маҳсулотни экспортга чиқариш режалаштирилган. Хусусан, йил якуни билан 157,3 миллион долларлик тўқимачилик, 35,8 миллион долларлик мева-сабзавот, 3,6 миллион долларлик чарм, 12,9 миллион долларлик ипак, 8,3 миллион долларлик қурилиш материаллари

ва 53,68 миллион долларлик бошқа саноат маҳсулотлари экспорт қилинади.

Экспорт фаолиятига 45 дан ортиқ янги корхона жалб этилиб, 10 дан ортиқ давлатларнинг (Малайзия, Сингапур, Италия, Испания, Португалия, БАА, Саудия Арабистони) бозорларига маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилмоқда. Жорий йилнинг I-чорагида вилоят бўйича жами экспорт ҳажми 53,2 миллион долларни ташкил этган.

Экспорт ҳажмларининг ўсиши вилоят учун драйвер бўлган соҳалар - тўқимачилик (27,2 миллион доллар), мева-сабзавот (7,3 миллион доллар), ипак маҳсулотлари (1,6 миллион доллар), қурилиш материаллари (1,6 миллион доллар) ҳудудий саноат корхоналари (15,5 миллион доллар) ҳисобига таъминланган.

Вилоятимизда жорий йилнинг биринчи чораги якуни билан 62981 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган, - дейди вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Феруз Хусанов. - Субъектларнинг 33917 таси юридик шахс ва 29064 таси яқка тартибдаги тадбиркорлардир. Юридик корхоналарнинг 15140 таси (45%) сўнгги 3 йилда ташкил этилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 4484 та янги субъект иш бошлади. Натижада қўшимча 5121 та иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1136 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектига 729,7 миллиард сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий марказлар ҳамда савдо, кўнгилочар, гастрономик, туризм ва санъат йўналишларига ихтисослашган 13 та махсус савдо ва кўнгилочар маканлар ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, Ёшлар тўғрисидаги Обод маҳалласида 80 га яқин хонадон мебель ишлаб чиқариш, Буктарой маҳалласида 40 хонадон эшик-ром ишлаб чиқариш ҳамда Чағдари маҳалласида 70 га яқин хонадон ипдан арқон ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5,3 триллион сўм миқдорига кредит ажратилди. Шундан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 915 миллиард сўм миқдорига кредит ўзлаштирилди.

## ҚАДИМ БУХОРОДАГИ 125 ТА МИНОРАНИНГ 84 ТАСИ ТИКЛАНГАН



Бухорога борган сайёҳ қадимий қилдалар, улуглар мангу қўним топан манзилларни зиёрат қилмасдан қайтмайди. Бухоронинг эски шаҳар қисмини айланган сайёҳ ўзини бир лаҳза ўтмишга тушиб қолгандек ҳис этади. Эски шаҳардаги хонадонлар, уй-меҳмонхоналар, дўконларнинг ҳам эшиги доим очик. Шаҳарнинг тарихий қисмида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун барча шароитлар яратилган. Аҳамиятлиси, эски шаҳарда машиналарнинг сигнал чалганини деярли эшитмайси.

Ёз фаслида кундузги ва кечки Бухоро тамонила бир-бирдан фарқ қилади. Айтишларича, қадимда Бухорода 7 та усти ёпиқ савдо мажмуаси бўлган. Аҳоли тилида бу мажмуалар "компл" деб аталади. Ҳозир эски шаҳар харитасида мавжуд бўлган "компл"ларнинг 3 таси сақлаб қолинган. Яъни, "Тоқи саррафон" биринчи мажмуа бўлиб, келган меҳмонлар ақчасини шу ерда Бухоро пулига алмаштиришган. "Тоқи теллақфуршон" мажмуасида ҳозир ҳам бош кийимлар сотилади. Бу ерга келган сайёҳ ҳозир ҳам "Тоқи заргарон" мажмуасидан заргарлик буюмларини харид қилиши мумкин.

**Бу кутлуг диёрда ўтмишда 400 га яқин мадраса, жумладан, 33 та олий мадраса фаолият юритган.**

**Вилоятда 2021 йилдан бугунги кунга қадар 28 та янги меҳмонхона (хоналар сони 593 та, ўринлар сони 1273 та), 29 та хостел (хоналар сони 251 та, ўринлар сони 872 та), 45 та оилавий меҳмон уйи (хоналар сони 189 та, ўринлар сони 445 та) фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 431 тага, ўринлар сони эса 10 минг 862 тага етказилган.**

## ТУРИЗМ БУХОРОНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Ҳақиқатан ҳам қадим Бухоро улкан туристик салоҳиятга эга, - дейди вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Тўқсонов. - 2021 йилда пандемия шароитига қарамадан, туризм соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 78 та янги катта-кичик меҳмонхона ишга тушиши ҳисобига уларнинг умумий сони 415 тага етди. Пандемиядан олдин вилоятга келган сайёҳлар 3,2 миллионга етган. Ўтган йил эса сайёҳлар сони қарийб 3 миллионни ташкил этиб, 2020 йилга

нисбатан ички туризм қарийб 9,3 бараварга, хорижий сайёҳлар сонига нисбатан 3,6 бараварга ортиди. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш мақсадида бу йўналишда 20 дан ортиқ ("Насриддин Афанди", "Шарқ таомлари", "Ипак ва зирворлар", "Қовун сайли" ва бошқа) маданий тадбир ва фестиваллар ўтказилди. 2026 йилгача вилоятга келувчи сайёҳлар сонини 5 миллионга етказиш учун етарли инфратузилма, транспорт, овқатланиш тармоқлари яхшиланмоқда.

2021 йил мартда Ҳиндистондан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида қиймати 14 миллион долларга тенг, Бухородаги илк 5 юлдузли (Hyatt Regency бренди остида) меҳмонхона фаолият бошлади.

Тиббиёт илмининг султони, буюқ аждодимиз Абу Али ибн Сино илм-фаннинг турли соҳаларида 400 дан зиёд нодир асар ёзган. Бу асарлардан ҳозир ҳам дунёнинг кўплаб тиббиёт олийгоҳларида асосий қўлланма сифатида фойдаланилади. Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афсона қишлоғини туризм шаҳарчасига айлантириш режалаштирилган. Бухоро шаҳар И.Каримов кўчаси "Гастро Базар" ва "Street Food" гастрономик кўчасига айлантирилди. Ёшлар тўғрисидаги "Қўрғон", "Туризм маҳалласи", Вобкент туманида "Ширин этнотуризм қишлоғи" ва Аҳмад Дониш кўчасида "Туризм кўчаси"ни ташкил этиш ишлари якунланади.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАНБАЛАРИ МАВЖУД ЭМАС

Бугунги кунда вилоятда электр энергияси ишлаб чиқариш манбалари мавжуд эмас. Шунинг учун 1,6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан 3 та шамол ва қуёш электр станциялари барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

2023 йилда Ёшлар тўғрисидаги "ACWA Power" МЧЖ хорижий корхонаси негизда 1,3 миллиард долларга тенг бўлган, қуввати 500 МВтдан бўлган 2 та шамол электр станцияси қурилади. Лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 200 та иш ўрни яратилади ҳамда 2000 та ишлаб чиқариш корхонаси узлуксиз электр энергия билан таъминланади. Олот туманида 2025 йилда Халқаро молия корпорацияси техник кўмағида қуввати 250 мега-ватт бўлган қуёш фотоелектр станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу станциялар йилига 6,3 миллиард кило-ватт соат ёки вилоят эҳтиёжига нисбатан икки баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқаради.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРДАН БИРИ

Ҳудудининг катта қисми Қизилқум чўлларида иборат бўлишига қарамадан, вилоятда қишлоқ хўжалиги ўсиб бораётган соҳалардан ҳисобланади.

**Бугунги кунда вилоятда 11 та пахта тўқимачилик, 13 та галлачилик, 7 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилган. Йил якунигача мева-сабзавотчилик тармоғида яна 11 та кластер корхонаси иш бошлайди.**

2021 йилда вилоят бўйича 345 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди, ўртача ҳосилдорлик 35,2 центнерни ташкил этган. Пахтадан 2,4 триллион сўм даромад олинган. Пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган даромад 4,8 триллион сўмни, соф фойда 2,3 триллион сўмни, рентабеллик даражаси 96 фоизни ташкил қилган.

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги экинларидан аҳолимиз даромадлари 1,8 триллион сўмни ташкил қилди, - дейди вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Аскар Жавадов. - Ушбу кўрсаткичи жорий йилда 1,5 бараварга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Чорвачилик соҳаси Бухоро вилояти учун драйвер ҳисобланади. Соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Шундан келиб чиқиб, вилоятда ўтган йили 549 миллиард сўмлик чорвачилик лойиҳалари амалга оширилган бўлса, бу йил 701 миллиард сўмлик 113 та лойиҳани амалга оширишни олдимизга ваъза қилиб олди.

Бундан ташқари, вилоятдаги чорва молларининг 93 фоизи аҳоли хонадонларида бўлганлиги сабабли аҳолига чорва озуқасини етказиб бериш ҳисобига ветеринария хизматини кўрсатиш, сўт ва гўшт маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш, қисқа қилиб айтганда, кооперация тизимини йўлга қўйиш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.



Вилоятимизда сув таъминоти жуда мураккаб. Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сўғориш мавсумида 2755 миллион метр куб сув талаб этилади. Бу йилги сув тақчиллиги 624 миллион метр куб ёки талабга нисбатан сув таъминоти кам бўлиши кутилмоқда.

Томчиликта сўғориш технологияларини жорий этиш борасида 2021 йилда 17,840 минг гектар майдонда томчилик ва дискрет сўғориш технологияси жорий этилди.

## МАҲАЛЛАЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛАДИ

"Бир ҳудуд – бир маҳсулот" тамойили бўйича 4870 гектар ер майдонида ҳоким ерданчиликнинг тақлифи билан кооперацияларга бириктирилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилди.

544 та маҳалланинг 120 таси чорвачилик, 124 таси деҳқончилик, 72 таси боғдорчилик, 96 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 19 таси иссиқхона ҳамда 15 таси паррандачилик йўналишлари ҳамда 98 та маҳалла бошқа соҳаларга ихтисослаштирилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоқларини саноат усулида ривожлантириш, соҳага кластер тизимини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда Европа давлатларининг замонавий ускуналари ёрдамида янги корхоналар ташкил этилмоқда. "BUKXARA AGROKLAUSTER DZZ" масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг иккинчи чорагида ташкил этилган. Қиймати 6 миллион евро бўлган корхона маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорига эга бўлиб бормоқда.

Италиядан "Lattico" компаниясининг сўт маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий ускуналарни келтирдик, - дейди корхона раҳбари Темура Шарипов. - Ускуна соатига 60 тонна сўтни қайта ишлаш олади. Бир сменада 35 нафар ишчи билан қайта ишланган сўтдан 43 хил маҳсулот олинади, мевалар ва ёлғизлик даражасини ҳисобга олсак, маҳсулотимиз сони 113 тага етади.



**Вилоятда 544 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Ҳоким ёрдамчилари ҳулосалари асосида 9303 нафар фуқарога 220 миллиард сўмлик кредит маблағи, 3 467 нафар фуқарога 7 миллиард 30 миллион сўм субсидия ажратилган.**

## КЕЛГУСИ 5 ЙИЛДА ВИЛОЯТДА

Кейинги 5 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 73,5 триллион сўмга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 40,8 триллион сўмга етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, маҳаллий бюджет даромадлари 2,9 триллион сўмдан 4,7 триллион сўмга етади ёки 1,6 баробарга ўсишга эришилади.

2022-2026 йилларда вилоятда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ишсизлар сонини камайтириш мақсадида қиймати 95,4 триллион сўмлик 5 мингта йирик ва ўрта лойиҳа амалга оширилиб, 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Жумладан, Қоракўл туманида қиймати 2,7 миллиард долларга тенг бўлган, йилига 1,3 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган газ-кимё комплекси барпо этилади, 1300 та иш ўрни яратилади ва энг замонавий технологиялар асосида йилига 770 минг тонна полимер ишлаб чиқарилади.

2022-2026 йилларда қиймати 1 977,1 миллион долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилиши таъминланади.

Қоровулбозор ва Пешку туманларида қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш орқали умумий қиймати 10 триллион сўм бўлган 282 та лойиҳа амалга оширилади. Чорвачилик ихтисослаштирилган Қоровулбозор, Бухоро, Ромитан ва Когон туманларидаги чорвачилик маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ромитан туманида анорчилик, Вобкент туманида анжирчилик, Бухоро туманида узумчилик, Пешку туманида лимончилик ривожлантирилади.

Вилоят туманларида мева-сабзавот кластерлари кўпайтирилади. Бунда Вобкент, Пешку ва Ромитан туманларида жами 3 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилади ва уларга 1114 гектар ер майдони бириктирилади, 65 гектар ерда замонавий боғ ва токзорлар ташкил этилади.

Вилоят учун салоҳияти юқори бўлган яна бир тармоқ – қурилиш материаллари саноати ҳам янги босқичга олиб чиқилади. Бунинг учун вилоятдаги 78 та кон участкаси аукционга чиқарилади, 37 та истиқболли майдонларда геология-қидирув ишлари амалга оширилади.

Вилоятда аҳолининг уй-жой ва яшаш шароитларини яхшилаш учун жорий йилда 2 минг 280 та хонадонли 77 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

2017 йилгача вилоятда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 13,8 фоизни ташкил этган. Кейинги беш йилда янги таълим йўналишлари ҳамда Бухоро давлат университетининг педагогика институти ташкил этилиши ҳисобига қабул квоталари уч баробарга оширилиб, 47,5 минг нафар ёшлар (43,5 фоиз) олий таълим билан қамраб олинди.

Вилоят олий таълим муассасаларида Франция, Исроил, Польша, Болгария, Беларусь, Россия, Индонезия, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма таълим дастурлари асосида 30 та бакалаврият йўналиши ҳамда 12 та магистратура мутахассисликлари бўйича 1256 нафар кадр тайёрланмоқда.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Зарафшон"нинг махсус муҳбири. Самарқанд-Бухоро-Самарқанд.**

**Вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасида Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ҳомийлигида полимер занжирли реакция (ПЗР) лабораторияси фойдаланишга топширилди.**

Энг сўнгги русумдаги лаборатория жиҳозлари билан таъминланган лабораторияда фертил ёшидаги аёллар бачадон бўйни саратони бўйича бепул тиббий кўриқдан ўтказилиши режалаштирилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё миқёсида 604 мингдан ортиқ аёлда бачадон бўйни саратони биринчи бор қайд этилади, - дейди Вирусология илмий-тектириш институти директори Эркин Мусабаев. - Шундан 342 минг нафари ушбу касаллик оқибатида вафот этади. Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак бези саратонидан кейинги ўринда турадиган ва энг кенг тарқалган саратон хасталиги ҳисобланади. Ўлим кўрсаткичи бўйича эса бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак бези ва ошқозон саратони туфайли ўлимдан кейин учинчи ўринда туради. Туғиш ёшидаги аёллар (15-44 ёш) орасида бачадон саратонидан ўлим кўрсаткичи иккинчи ўринда қайд этилган. Шу боис корейлик ҳамкорлар билан ушбу хасталикларнинг олдини олиш борасида пилот лойиҳани амалга оширяймиз. Хасталик қанча эрта аниқланса, уни даволаш, олдини олиш имконияти шунча ошади.

Маълумотларга кўра, бачадон бўйни саратонини келтириб чиқарувчи асосий омил одам папиллома вируси (ОПВ) ҳисобланади. Шунингдек, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. 21-30 ёшдаги ёшларнинг 80 фоизида бундай вируслар учрайди. Вируснинг бачадонда узоқ вақт бўлиши саратон ривожланишига олиб келиши мумкин. Бачадон бўйни саратони тўлиқ олдини олиш мумкин бўлган ягона саратон касаллиқдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти-



**ПЗР лабораторияси аёлларда бачадон бўйни саратонининг олдини олишга хизмат қилади**

нинг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизмати янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатиши таъминлаштириш" Дастури тасдиқланган. Ушбу Дастурда онкологик касалликлар профилактикаси ва скрининг текширувлари ўтказиш, онкологик касалликларга чалинган беморларнинг ягона маълумотлар базасини (канцер-регистр) шакллантириш, саратон касаллиги профилактикасининг самарали дастурларини ишлаб чиқиш билан эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш белгиланган. Эпидемиологик вазият мониторингини олиб бориш мақсадида Вирусология илмий тектириш

институти ва КОФИН жамғармаси билан ҳамкорликда "Республика худудларида, жумладан, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоятлари аёллари ўртасида одам папиллома вирусини аниқлаш ва бачадон бўйни саратони касаллиги диагностикаси бўйича имкониятларни таъминлаштириш" мавзусида амалга оширилаётган инвестицион пилот лойиҳа ушбу вазифалар ижросига қаратилган.

Ҳамкорлик лойиҳамизни Самарқандда давом эттираётганимиздан мамнунмиз, - дейди Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармасининг (КОФИН) Ўзбекистондаги вакили Ким Хёеун. - Самарқанддаги илқ муносабат бошлаган ишимизнинг янада самарали бўлишини таъминлайди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади аёллар ўртасида одам папиллома вируси келтириб чиқарадиган касалликларни эрта аниқлаш орқали саратон касаллигининг олдини олиш ва ОПВнинг юқори онкоген турларини фертил ёшдаги аёллар ўртасида тарқалиш фозини аниқлашдан иборат. Самарқандда ташкил этилган ПЗР лабораторияси Ўзбекистондаги учинчи махсус лаборатория ҳисобланади.

Мазкур лойиҳамиз Ўзбекистонда 3 йил мобайнида амалга оширилиши кўзда тутилган. Ўйлайманки, ушбу даврда лойиҳамиз орқали кўплаб аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаб, уларнинг соғлом ҳаёт кечирिशларини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонаси лаборатория бўлими мудири Интизор Раҳмоновнинг таъкидлашича, ушбу лаборатория Самарқанд шаҳридаги марказий поликлиника ва 4 та оилавий поликлиника билан бевосита скрининг текширувларини амалга ошириши кўзда тутилган. Бунда поликлиникаларда олинган таҳлил намуналари ПЗР лабораторияга жўнатилади. Ўтказилган таҳлил натижалари поликлиникаларга онлайн жўнатилади, вирус аниқланган аёлларга тегишли кўрсатмалар берилиб, хасталикнинг олдини олиш, даволаш ва бошқа зарур чоралар қўрилади.

Алишер ИСРОИЛОВ.

**Ajdodlarimizga munosib bo'laylik**

**Mutafakkr ajdodlarimiz qoldirgan boy madaniy meros umumjahon ilm-fanining xazinasini tashkil etadi. "Renessans" atamasi nisbatan keyinroq paydo bo'lgan bo'lsa-da, aslida ilm-fandagi "uyg'onish" davrining tamal toshini aynan bizning bobokolonlarimiz qo'ygani hech kimga sir emas.**

Sharq Renessansi nomi bilan mashhur bu davr zaminimizda ko'plab allomalar, qomusiy bilim sohiblari, mashhur mutafakklarning yetishib chiqishiga sabab bo'ldi. Birgina aniq fanlar yo'nalishida Muhammad al-Xorazmiy, Abu Bakr ar-Roziy, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad al-Farg'oniy, Umar Xayyom, Mirzo Ulug'bek singari olimlar tomonidan yaratilgan ilmiy merosni olib qarant. Bu xazina bo'lmasa, bugungi texnologiyalar bo'larmidi? Ibn Sinodek ma'rifat sohibining izlanishlari natijasiz tibbiyot shu qadar taraqqiy etarmidi?

Bugun biz Uchinchi Renessans sari qadam tashlamoqdamiz.

Prezidentimiz ham har safar yoshlar bilan uchrashganida yurtimizga yangi Beruniylar, Ibn Sinolar, Navoiylar karakligini, ilm-fan yo'lini tanlagan yoshlar har tomonlama qo'llab-quvvatlashini ta'kidlam-oqda. Bu biz uchun katta imkoniyatdir. O'yab ko'ring, nomi tilga olingan ajdodlarimizda shunday sharoitlar bo'lganmi? Insondan jon emas, ilm so'ralayotgan bir zamonada, osoyishta yurtda yashayotganimizning o'zi biz uchun sharoit emasmi.

**Muxlisa JALILOVA, Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti talabasi, Navoiy nomidagi davlat stipendiyasi sohibasi.**

**МУРОЖААТЛАРНИНГ "КАЛИТИ" ҚАЕРДА?**

Вилоятда ваколатли органлар йилнинг биринчи ярмида 5 мингдан ортиқ мурожаатга масъулиятсизлик билан ёндашган

Давлат хизматлари марказларига ташриф буюраётган ҳар бир фуқаро муаммосига ечим, мурожаатига "калит" излаб келади. Афсуски, кўп ҳолларда ўша умид қилинган "калит" вақтида эгасини топмайди. Биз биламизки, давлат хизматларини кўрсатишда, уларнинг сифат ва самардорлигини ошириш, белгиланган мuddатларда тақдим этилиши учун давлат идоралари ва ташкилотлари ваколатли орган ҳисобланади. Марказлар орқали юборилган фуқароларнинг ҳар бир сўровлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, тегишли жавоб қайтарилиши лозим. Мурожаатни асосиз рад этишга, вақтида кўриб чиқмасликка, ортиқча ҳужжат талаб қилишга ҳақимиз йўқ. Бирок ана шу таъминоти бугунги кун масъуллари унутиб қўймоқда. Оқибатда хизмат ҳақини тўлаб қўйган истеъмолчининг қонуний манфаатлари қўпол равишда бузилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларидан юборилган махсус хабарларнинг кўпи ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тар-

тибда ҳал этилмаган. Ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида бу ўз тасдиғини топиб, ваколатли идоралар томонидан 5117 та қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди. Таҳлилларга кўра, 4234 ҳолатда давлат хизматлари кўрсатиш мuddатлари бузилган, 821 ҳолатда тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатилган, 56 ҳолатда мурожаатлар асосиз рад этилиб, 6 ҳолатда бошқа қонун бузилишлари содир этилган.

Афсуски, кўрилатган таъсир чораларига қарамадан, тегишли хулоса чиқармаётган давлат идоралари ва ташкилотлари сони камаётгани йўқ. Масалан, кадастр идоралари (1750 та), газ таъминоти (1584 та), сув таъминоти (594 та), электр таъминоти корхоналари (127 та), курилиш идоралари (83 та), туман (шаҳар) ҳокимликлари (204 та), соғлиқни сақлаш муассасалари (240 та), давлат солиқ инспекциялари (378 та) хали ҳануз мазкур рўйхатда "етакчилик" қилмоқда. Наҳотки, ушбу идораларда фуқаролар мурожаатларига панжа орасидан қаралса? Улар учун истеъмолчи манфаатларининг бир чақалик қадри йўқми? Ота-бобола-

римиз бизни бировнинг мушкулени осон қилишга ундаб келган. Лекин бу ерда кимгадир ёрдам бериш ҳақида эмас, хизмат ҳақини тўлаб қўйган истеъмолчи ва бир мурожаат ортидаги тақдирлар ҳақида гап кетмоқда.

Биргина мисол, "Graver Menedjment" МЧЖнинг Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази орқали шу йил 15 майда Оқдарё тумани курилиш бўлимига юборилган объектни қайта иختисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги сўровномаси 17 май куни "Ижарага берувчи ерининг фойдаланиш мақсадини бошқа фаолият турига ўзгартириш ва қўшимча курилишга берилгандан сўнг рухсат берилишини таъминлаймиз..." деган важ билан рад этилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган "Био ва иншоотларнинг иختисослаштириш ва қўшимча қайта куриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз худудида қўшимча био ва иншоотларни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг

маъмурий регламенти"нинг 18-бандида ваколатли органга сўровнома тушганидан сўнг 7 иш кунини объектни жойига бориб био ва иншоотларнинг иختисослаштириш ўзгартириш, қайта куриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз худудида қўшимча био ва иншоотлар куриш имкониятлари мавжудлигини ўрганиши ва QR-код қўйилган рухсатномани бериш ёки рад этишининг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда рухсатнома бериши рад этиши белгиланган. Яъни, Оқдарё тумани курилиш бўлимининг мазкур ҳолатдаги хатти-ҳаракатлари қонунчилик талабларига эид ҳисобланади.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ваколатли идоралар раҳбарлари номига 19 та тақдимнома ва 772 та оғоҳномалар киритилди. Шунингдек, 54 нафар айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида ваколатли органларнинг 18 нафар ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиб, 54 нафар айбдор раҳбар ва ходимлар маъмурий жавобгарликка тортилши таъминланди.

**Шерзод АЗИЗОВ, вилоят адлия бошқармаси давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи.**

**Yosh iqtidorlar aniqlandi**



**"Kamalak yulduzlari" respublika bolalar ijodiyoti festivalining viloyat bosqichi bo'lib o'tdi.**

Unda festivalning tuman va shahar bosqichida g'olib bo'lgan 6-14 yoshli 576 nafar o'g'il-qiz ishtirok etib, mumtoz, vokal va xalq cholg'ulari, raqs, tasviriy va amaliy san'at, nazm va nasr kabi olti yo'nalish bo'yicha o'z iste'dod va mahoratini ko'rsatdi.

Yakuniy natijaga ko'ra, 57 nafar iqtidorli yoshlar aniqlandi. Shundan 18 nafar yosh iste'dod sohibi respublika laureati deb topilib, ixtisoslashtirilgan musiqa va san'at maktabi hamda amaliy va tasviriy san'at litseylarida o'qish uchun tavsiyanomani qo'lga kiritdi.

Festivalning g'olib va sovrindorlari tashkilotchilar tomonidan munosib rag'batlantirildi.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ЎЗБЕКИСТОН-ФИНЛАНДИЯ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**2022-2023 ўқув йили учун профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга таклиф этади**

**Ўзбекистон-Финландия педагогика институти 2022-2023 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимига юқори малакали мутахассисларни ишга таклиф этади:**

1. Математика ва информатика;
2. Физика ва астрономия;
3. Кимё;
4. Биология;
5. География ва иқтисодий билим асослари;
6. Тарих;
7. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси;
8. Мусиқа таълими;
9. Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили;
10. Бошланғич таълим;
11. Мактабгача таълим;
12. Жисмоний маданият;
13. Технологик таълим;
14. Ўзга тилли гуруҳларда рус тили;
15. Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт;
16. Ўзбек тили ва адабиёти;
17. Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича).

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**  
- PhD ёки DSc илмий даражаси (агар мавжуд бўлса);

- Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясининг 2022 йил 29 майдаги 02-1415-сонли хати талабларига мувофиқ, инглиз тилини (хорижий тил ўқитувчилари учун тегишли хорижий тилни) билиш даражасини тасдиқловчи C1 даражасига тенглаштирилган халқаро ёки миллий сертификатга эга бўлиши

лозим (хорижда таълим олган ёки дарс берган мутахассисларга тил билиш сертификати шарт эмас);

- нашр этилган илмий ва ўқув-услубий ишлар рўйхати (охирги 5 йилдаги оригинал асарлар билан);
- шахсан номзод томонидан инглиз, ўзбек ва рус тилларида тузилган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи - KPI ёки CV;
- мутахассислик фанларидан инглиз тилида (хорижий тиллар учун тегишли хорижий тилда) ўтилган дарснинг 20 дақиқалик видеотасвири;
- портфолио тайёрлаш (шу жумладан, ариза-чи томонидан ўқитилиши тавсия этилган фанлар бўйича - фан дастури, ўқув режаси, ўқув-методик материаллар, маъруза матнлари, мустақил иш учун тарқатма материаллар);
- электрон курилмалардан эркин фойдаланиши керак (принтер, ноутбук, проектор), офис дастурлари, Hemis платформаси, Moodle;
- таълим соҳасида энг камида 2 йиллик тажрибага эга бўлиш.

**Ўзбекистон-Финландия педагогика институти ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни қуйидаги имкониятлар билан таъминлайди:**

- барқарор маош (ойлик устама ҳақи билан олий мактаб қонунчилигига мувофиқ);
- истиқболли карьерани назарда тутган қизқарли меҳнат фаолияти;
- хориж давлатларида хизмат сафари.

**Иш тартиби:** душанбадан шанбагача, душанба-жума кунлари соат 08:00-16:00 гача, шанба кунли соат 08:00-12:30.

**Танловда иштирок этмоқчи бўлган талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдини [www.uzfi.uz](http://www.uzfi.uz) электрон манзилига юбориши сўралади:**

1. PhD ёки DSc дипломи (агар мавжуд бўлса);
2. Инглиз тилини (хорижий тил ўқитувчилари учун тегишли хорижий тилни) билиш даражасини тасдиқловчи C1 даражасига тенглаштирилган халқаро ёки миллий сертификат;
3. Нашр этилган илмий ва ўқув-услубий ишлар рўйхати;
4. Шахсан номзод томонидан инглиз, ўзбек ва рус тилларида тузилган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи - KPI ёки CV;
5. Мутахассислик фанларидан инглиз тилида (хорижий тиллар учун тегишли хорижий тилда) ўтилган дарснинг MP-4 форматида 20 дақиқалик видеотасвири;
6. Дипломлар (бакалавр, магистр, PhD ёки DSc) ва диплом иловаларидан нусха;
7. Малака оширганини тўғрисидаги сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик).

**Ҳужжатларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2022 йил 10 август.**

**Мурожаат учун телефонлар:**  
**+99866-222-81-72,**  
**+99895-410-80-15.**

**Электрон почта:**  
**uzfikadr2021@mail.ru**  
**a.s.ismoilov1987@gmail.com**  
**ИНСТИТУТ МАЪМУРИЯТИ.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Тойлоқ туманидаги «KANSGLOBUS» хусусий корхонаси (СТМР: 204564310) ўз устав фондини 23 991 801 (йигирма уч миллион тўққиз юз тўқсон бир минг саккиз юз бир) сўмдан 100 000 (бир юз минг) сўмга камайтормоқда. Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тойлоқ тумани Ворсин қишлоғи.**

\*\*\*

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Қобилов Содикжонга (2022 йил 6 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Хабибов Баходур Рахматовичга (2021 йил 19 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Джуроева Мастурага (1990 йил 21 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Тилавова Нигора Рабимовнага (2021 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Сайбон Кахраман Хафизовичга (2020 йил 12 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Джуроева Мастурага (1990 йил 21 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.**

\*\*\*

# Менинг боболарим у диёрларда

(Муқаддас хоклари Афғонистонда қолган улуғ боболарим хотирасига)

Юлдузли хаёллар суриб ётулар,  
Расул-ла суҳбатлар куриб ётулар,  
Жонини Жабборга бериб ётулар,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Жонимга айлаиб бўлган бу даргоҳ,  
Хар кеч қулоғимда Бобур чеккан оҳ,  
Унга жоним фидо навзамбиллоҳ,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Мангу йиғлаб ётган булоқлар – кўзлар-  
Янтоқлар тагида йиғлаган қизлар -  
Навоий қабрида гуллаган сўзлар,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Ақлига эгилган оилар, осмонлар,  
Олтинга топилмас китоб қарвонлар,  
Давлатли султонлар, чин муслмонлар,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Мен борсам, зиёрат довонин ўпсам,  
Машрабинг ёрилган товонин ўпсам,  
Чопони силтаган бўронин ўпсам,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Бошга салла қилиб тўфонларини,  
Инсофга чақирган бўронларини,  
Қумда қаср қилган армонларини,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Бир ёнда Беруний, бир ёнда Машраб,  
Бир илталаб, бири шеърталаб,  
Шайтонбазмларга қўймас ҳам қараб,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Имон, эътиқод-ла кўкларга учган,  
Меҳру муҳаббат-ла дунёни қучган,  
Амудан йўлбарсдек ётиб сув ичган,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Жону жаҳонимга туташ томирлар,  
Олтиндек кўмилган хонлар, амирлар,  
"Мозори шариф"да шариф қабрлар,  
Менинг боболарим у диёрларда.



Соғинч селларида ивиб ётулар,  
Тупроқ остида ҳам севиб ётулар,  
Бошларин қиблага қўйиб ётулар,  
Менинг боболарим у диёрларда.

Юлдузли хаёллар суриб ётулар,  
Расул-ла суҳбатлар куриб ётулар,  
Жонини Жабборга бериб ётулар,  
Менинг боболарим у диёрларда.  
**Зулфия МҲМИНОВА.**

## Турмуш чорраҳаларида

# Йўловчи

- Ота, бугунча етар,  
чарчадим, қолганини эртага  
ковлармиз, - Зокир картошка  
ковлаётган Қодир бувага ши-  
коятомуз қаради.

- Бўпти, чарчаган бўл-  
санг, бор, дамингни олакол!  
- Қодир бува Зокир ёлғиз  
фарзанд бўлгани учун қўли-  
ни совуқ сувга урдирмай  
воёга етказди. Хатосини  
энди сезапти: Зокир на  
ўқиди, на бирор касбнинг  
этагидан тутди. Ўзига ўхша-  
ган такасалтанг болаларга  
қўшилиб, ялқов бўлиб ўсди.

Оила куриб, фарзандли  
бўлди ҳамки, ҳамон ишга  
бўйни ёр бермади. Қодир  
бува унга ишониб, фермер-  
дан ўттиз сотих ер олганди.  
Экилган картошка парва-  
риши ўзига қолиб кетди.

Зокир икки кетмон чопса,  
ё боши оғриди ёки чарчаб  
қолади. Ёшлиқдаги кучи  
бўлганда бир кунлик иш.  
Зокир билан ишлаб, икки  
кунда ўн халта картошка  
ковлабди. Хали ярмидан  
кўпи турибди...

- Ассалому алайкум, ота-  
хон, хорман! - Пайкал бо-  
шидан ўтиб бораётган Зокир  
тенги йигит илдам келиб,  
эски қаддонлардай Қодир  
бува билан кўришди.

- Вааллому ассалом,  
отангизга раҳмат, келинг!  
Меҳмонга ўхшайсиз?  
- Шундай десак ҳам  
бўлади. Шаҳарда институт-  
да ўқийман, Хусан бувани  
йўқлаб келаётган эдим, уйи  
қайси кўчада экан?

- Э, шунақами? Ҳу,  
кишлоқ четидagi тераклар-  
ни кўряпсизми? Ўша кўча  
охирда.

- Раҳмат, отахон!  
Йигит бир-икки қадам  
юргач, ёдига бир нарсга туш-  
гандай ортига қайтди.

- Отахон, кечирасиз, хар-  
жим сал камроқ эди. Хусан  
буваникига қуруқ қўл билан  
бориш ноқулай туюляпти.  
Тўрт-беш сўм бериб тура ол-  
майсизми, эвазига картошка

Қодир бува меҳмонни  
бошлаб борар экан, "Қани  
эди, менинг Зокирим ҳам  
шундай йигит бўлса", деб  
қўйди ичиди хавас билан.

Тоғаймурод  
ШОМУРОДОВ.

ковлаб бераман.  
- Малол келмаса, бўпти.  
Халтасига беш минг сўмдан  
бераман.

- Розиман!  
Йигит енг шимариб ишга  
тушди. Қоронги тушгун-  
ча эллик халта картошка  
ковлади. Қодир бува Зокир  
билан буни икки кун ков-  
ларди: "Азамат йигит экан",  
хаёлидан ўтказди Қодир  
бува.

- Баракалла, ўғлим!  
Мана, сизга уч юз минг сўм,  
эллик минг зиёди билан,  
меҳнатингизга рози бўлинг.  
Кечирасиз, сўраганингиз айби  
йўқ, Хусан бувадан бирор  
юмушингиз бормиди?

- Ҳа, мен қашқадарёлик-  
ман, Самарқандда институт-  
риши ўзига қолиб кетди.  
Зокир икки кетмон чопса,  
ё боши оғриди ёки чарчаб  
қолади. Ёшлиқдаги кучи  
бўлганда бир кунлик иш.

Зокир билан ишлаб, икки  
кунда ўн халта картошка  
ковлабди. Хали ярмидан  
кўпи турибди...

- Ассалому алайкум, ота-  
хон, хорман! - Пайкал бо-  
шидан ўтиб бораётган Зокир  
тенги йигит илдам келиб,  
эски қаддонлардай Қодир  
бува билан кўришди.

- Вааллому ассалом,  
отангизга раҳмат, келинг!  
Меҳмонга ўхшайсиз?  
- Шундай десак ҳам  
бўлади. Шаҳарда институт-  
да ўқийман, Хусан бувани  
йўқлаб келаётган эдим, уйи  
қайси кўчада экан?

- Э, шунақами? Ҳу,  
кишлоқ четидagi тераклар-  
ни кўряпсизми? Ўша кўча  
охирда.

- Раҳмат, отахон!  
Йигит бир-икки қадам  
юргач, ёдига бир нарсга туш-  
гандай ортига қайтди.

- Отахон, кечирасиз, хар-  
жим сал камроқ эди. Хусан  
буваникига қуруқ қўл билан  
бориш ноқулай туюляпти.  
Тўрт-беш сўм бериб тура ол-  
майсизми, эвазига картошка

Қодир бува меҳмонни  
бошлаб борар экан, "Қани  
эди, менинг Зокирим ҳам  
шундай йигит бўлса", деб  
қўйди ичиди хавас билан.

## Вилоят телерадиокомпанияси ижодий жамоаси ва вилоят "Нуронийлар" жамоатчилиги кенгаши ҳамкорлигида кекса авлод вакилларининг ибратли ҳаёти мисолида ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топишига қаратилган "Нуронийлар маслаҳати" номи маънавий-маърифий кўрсатув ташкил қилинди.

Унда самарқандлик таникли олим, зиёли ва фаол нуронийларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, ёшларга панду насихатлари эфирга узатиб борилаётгани кўпчиликка ҳаёт мактаби бўлмоқда.

## Нуронийлар ҳаёти ёшларга ибрат

Яқинда самарқандлик ана шундай зиёли нуронийлар Раззоқ Орипов, Нурлибой Ҳамроев, Муайяна Ҳўжаева ҳамда Гулбаҳор Ҳусановаларнинг ибратли ҳаёти ёшларга ўрнак қилиб кўрсатилди.

- Нуронийлар маслаҳати комилликка ундайди, - дейди вилоят "Нуронийлар" жамоатчилиги кенгаши раиси Шуҳрат Негматов. - Бундай давра суҳбатлари ва учрашувлар ёшлар ва кексалар ўртасида самимий муносабатларни вужудга келтиради. Шу билан бирга, нуронийлар ўғити фарзандлар тарбиясида, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишларида кўмак беради.

**Абдурашул АШУРОВ,**  
кўрсатув муаллифи,  
Ўзбекистон Журналистика  
уюшмаси аъзоси.

## Ҳаёт – бу нима?

Отам ишдан ҳориб келди-да, бизга қараб қўйди. Энам отамга қарай-қарай, олдидаги чойни қайтарди. Отам қўлини нонга узатгандан кейин энам дастурхоннинг четини қўли билан текислай туриб, секингина:

- Завранинг келини кетиб қопти, - деди.  
- Нимага кетибди? – чой ҳўплаб туриб сўради отам.

- Ҳа, ҳалиги... - чайналди энам. - Ўтириш қилиши керак экан...  
- Қорни тўйган-да! – деди отам жаҳл билан. - Яна нима ками боракан?

- Қизи ўн бирни битираётганимиз, шунга тилла зирак...  
- Қаёқдан чиқди бу фикрлар? – яна тутатди отам. - Одам ейдиган нонини, устидига кийимини ўйлаши керак.

- Э-й-й, - энам ортига чекинди.  
- Сен эй, дейсан! Манави калта ўйлайдиганлар кунда гаштак, кунда ўтириш қилишнинг ўрнига боласини ўқитишни ўйлаши керак! Сен минам менинг замонимда шу шароит бормиди?

Одамлар замон-замон дейди. Замонда нима айб? Ҳайла, қирдаги Эшдавлат! Қизи бир йигитга тегувди, худди оч қолаётгандай уйига об келиб олди. Бу нима қилгани, тушунмайсан?! Худойим таоло айтган-ку, бир йигитга – бир қиз деб!

Буни ажратганимнан нимага эришдинг? Ниҳок ўқилаётганда худонинг номи қўшиб ўқилади. Бу чаласа-водлар худонинг ишига қарши чиқади. Ўзи умрида битта китоб ёки битта газет ўқимаган. Гирт чаласавод, маърифати йўқ одам. Ундан нима кутса бўлади – ҳеч нарса!

Отам бор жаҳлини энамга сочди. Энам ҳамма нарсага ўзи айбдордай, "тўғри, тўғри" деб, дастурхоннинг четини сийпалаб ўтиради. Отам туриб-туриб, нокадисини қидириб қолади. Мен пўстакнинг тагида дўппайиб турган нарсани

олиб узатаман. Отам жаҳл билан нос отади. Бироз вақтдан кейин деразадан туфлайди-да, қўлига чой олади. Отам оғзини чайиб, яна давом этади:

- Кечқурун ҳамма хона-хонасига кириб кетади. Угли ўзининг уйига, Эштов ўзининг уйига...! Бу – бир муштдай боласиниман бир хонада қолади. Бу бир ўзи ёлғиз. Тўғрига, шу иш! Энди бу дунёни бузади, маҳаллага боради изиллаб...

Маҳалла нима қилсин? Бирса, бир халта ун, икки кило мой беради. Кейин-чи? У яна ёлғиз. Ҳеч нарсага чидаёлмайди. Кейин ҳокимиятга чиқади. Нима, ҳокимият унга эр топиб бериш керакми? Бир йигитга бир қиз чой қайнати-иб, ширингина овқатини қилиб турса, бундан ортиқ бахт борма дунёда! Энди шу нарса йўқ бўлгандан кейин, аёл дунёни бузади-да!

Энам "ўлинг-ей!" дегандай, отамга қарайди. Мен ҳайрон, ҳеч нарсага тушунмайман.

- Ҳалиям бўлса, шу сингилни турмушга узатиш керак! Бир ўзи аросатда қийналиб қолади.

Энам отамга қарайди, отам энамга. Мен бола бошим билан ҳеч нарсага ақлим етмайди. Нимага шу Эштов бобонинг хотини қизини ажратиб келди? Қизининг ўгли ҳам сўррайиб, саккизинчи синфга етди, отаси йўқ. Бу кимга керак?

Кир ювиш вақти отам қўйлагини ечади. Отамнинг баданини қўриб, қўрқаман. Икки биқинида икки чандик, чап қўлининг тирсагидан юқори қисмидан муштдай жойини ўқ юлиб кетган.

- Қўрқма, қўрқма, болам, - юпатади отам. - Фашист ўлдираман деган, қўлидан келмаган-да. Энди ўйласам, душманнинг ҳар бир ўқи одамга катта куч билан урилган, лекин худойим асраган-да. Эмаса, шунча минглаб ўқлар, миналардан омон қолиш осонми!

Отамнинг ўқ юлиб кетган жойига кичкина муштимни қўяман. Лоппа-лойиқ

келади. Кейинчалик Ўткир Ҳошимовнинг "Музаффар" ҳикоясидан ўқиб билишимча, отам каби ярадор отанглар минглаб, миллионлаб бўлган. Отам фақат "қўрқма", дейди. Яна отамнинг оёғи сон қисмида ҳам ўқ излари бор.

Ҳаёт – бу нима? Битта қўйлақ ёки зирак учун жанжал қилиш шартмикин?  
- Ҳаққарнинг даштида кечасиминан, ойдинда бир гектар ернинг бугдойини ўрсин, кейин билади рўзгор нима, нон нима? Оқдий ноннинг қадрини билмасан, рўзгорнинг қадрини билармиди?

Отам чой ҳўлаб, шифтга қарайди ва давом этади:  
- Саратоннинг авжи. Бугдойи шигиллаб пишган. Вақтида ўриб олмасанг, нобуд бўлади. Иссиқдан ҳаммаёқ қуриб-қақшаган. Кунни болаб ўроқ ўриб, ҳолинг кетади. Бир косагина иссиқ овқат керак. Қани шу овқат? Олов ёқиб, овқат пишириш мумкин эмас, пожар бўлиб кетади. Иссиқда қуриб қолган чаккини сувга солиб, чалоб қилиб ичамиз. Ҳарна ошқозонга амал. Аммо бир коса пиёва ёки шўрва жуда керак-да. Чидайсан, атрофингиздагиларнинг ҳаммаси шундай.

Ҳафта, ўн кунда бир марта бригадир уйга жавоб беради. Келсам, энам зигир мойга пиёзни қовуриб, хамир солиб беради. Энг зўр овқат шу! Анча қувватланасан. Эртаси кунни Ҳаққарга, ўримга борсанг, ҳамма сенга хавас қилади: "Во-о, бу иссиқ ичиб келган-да", деб. Ҳозиргидай бир кило гўшт қаерда, шира қаерда? Қутурасан-да баринг!

Мен қўриб энамга қарайман, энам бошини кўтармайди.  
- Энди Завра нима қилади? – энам ерга қараганча гапировади.

- Момосининг майловига ҳам бормайди, - деди отам. - Бошига достик қилади қизини!

Мен яна тушунмай, энамга қарайман. Энам ерга қарайди ва дастурхон четини сийпалайди. Бахт – ўзи нима? Ёш бола бошим билан ҳеч нарсани тушунмайман... Сиз тушунасизми?

**Бобораҳмат МУҲАММАДИЕВ,**  
Нуробод туманидаги 56-умумий  
ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

## Рассомлар асарларида "Самарқанд руҳи"

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ташаббуси билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатлар халқларига "Самарқанд руҳи"ни етказиш мақсадида Самарқанд шаҳрида рассомларнинг пленэри ўтказилди.



Россия, Мўғулистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистондан келган ҳамда ўзбекистонлик ўттизга яқин рассом икки ҳафта давомида табиий муҳит ва шароитда Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуаси, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Амир Темури мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди ва бошқа тарихий-маданий обидалар, диққатга тазовор жойларни ўз асарларида сазовор қилибди.

- Самарқанд ва Бухорони кўриш ва бу ерда ижод қилишни кўндан бери орзу қилардим, - дейди Санкт-Петербург маданият ва санъат университети доценти, рассом Татьяна Анисимова. - Бу шаҳарлар ижодкор учун чексиз илҳом бағишлайди. ШХТ саммити олдида менга ҳам шундай имконият яратиб берилганидан жуда хурсанд бўлдим. Самарқандда бўлган кунларим давомида кейинги ижодим ва талабаларим билан ишлаш учун жуда катта материал тўпладим. Умид қиламанки, акварель рангтаъриридаги асарларим ШХТ кўргазмасига ўзига хос

ёқинлик бахш этади. Мўғулистонлик рассом Ганзориг Сер-од маъзур пленэр замонавий шаҳарлардаги темир-бетондан чиқиб кетиш, маданиятнинг энг қизиқарли ёдгорликлари билан танишиш фурсати бўлганини алоҳида таъкидлади.

- Самарқанддаги пленэрда иштирок этиш таклифини олишим биланок, кўк гўмбазлар тушларимга кира бошлади, - дейди у. - Лекин Шоҳи Зинда мажмуасига бориб, бу ернинг улғуворлиги, ўзига хос архитектураси ва кўк рангнинг хилма-хиллигидан ҳайратда қолдим. Очiq осмон остидаги икки ҳафталик ижодий ишларимда Самарқанд тарихий обидаларининг кўрку салобатини, муҳими, ўзбек халқи маданиятининг ўзига хослигини акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Самарқанддаги пленэр давомида ишланган асарлар ШХТ саммити доирасида ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ва маданий тадбирларда намойиш этилади.

**У.ХОЛБЕКОВА.**


## Саммит олдида

## АВГУСТ ОЙИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**1 АВГУСТ**  
Зайнаб ҲАЙ-ДАРОВА – 1951 йилда Нарпай туманида туғилган. Фермер. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, "Дўстлик" ордени соҳиб.

**2 АВГУСТ**  
Абдурауф БОЛТАЕВ – (1909-1978) Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

## Икки оғир атлетикачимиз Осиё чемпиони



**Тошкент шаҳрида ўсмир ва ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони ўтказилди.**

Унда вилоятимизнинг икки нафар вакили – Шарофиддин Амридинов ва Ҳожиакбар Олимов олимпият шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Осиё чемпиони бўлди.

102 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Шарофиддин Амридинов даст кўтаришда 165 килограмм, силтаб кўтаришда 197 килограмм ва умумий икки кураш ҳисобида 362 килограмм тошни кўтариб, учта олтин медални қўлга киритди.

Ҳожиакбар Олимов эса 89 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, икки кураш ҳисобида 337 килограмм тошни кўтарди.

У даст кўтаришда 145 килограмм, силтаб кўтаришда 192 килограмм тошни бўйсундириб, олтин ва кумуш медалга сазовор бўлди.

**MATBUOT UYI**  
**Zarafshon**  
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**  
**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**  
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 452 nusxada chop etildi. Buyurtma 494. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2  
**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**  
**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**  
**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**  
**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.  
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonа manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.  
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.  
Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.**  
**Navbatchi: D.TO'XTAYEV.**  
**Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.**  
ISSN-201667X  
9 1772010667009  
Saytimga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling  
Sotuvda narxi kelishilgan holda